БАРКАМОЛ АВЛОД ВА ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИ

п.ф.д. доцент Умид Жуманазаров
Самарқанд Давлат чет тиллари институти ўқув ишлари буйича проректори

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, маънавий- маърифий ислоҳотларнинг узвий қисми ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг етук малакали кадрларни шакллантиришда аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Боиси таълим тўғрисидаги алоҳида қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида жорий этилган замонавий таълим тизими самарали ва оқилона ислоҳот эканлигини қисқа вақтда исботлади. Бугун олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларини тугатган ёшлар мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида шижоат билан ўз қобилият ва солоҳиятларини намоён қилмоқда.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш соҳанинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак”**.**

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда таълим жараёнини ривожлантириш борасида давлат миқёсида улкан ишлар амалга оширилди. Биргина мисол, Республика миқёсида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, 1 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди. Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилган эди. Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315,0 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370,0 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган эди. Шунинг ўзиёқ ўтган давр мобайнида бизнинг ушбу масалага қандай жиддий эътибор бериб келганлигимиздан далолат бериб турибди, десам ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ислоҳотларнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3931 сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар ҳам айнан баркамол авлод таълим-тарбиясига янада чуқур эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

Бинобарин, таълимга эътибор — келажакка эътибор. Ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти одамларининг онглилиги, замонавий билимларни ўзлаштирганлиги, бир сўз билан айтганда, интеллектуал салоҳиятини юқорилиги билан белгиланади. Бугун фан-техника ютуқлари давлатнинг жўғрофий-стратегик салоҳиятига айланиб улгурган ва глобаллашувнинг бутун дунёни қамраб олаётган бир шароитда инсон географиясининг

ҳолати энг муҳим омил эканлигини кўрсатмоқда. Бир томондан замонавий юксак тараққиёт, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш; иккинчи томондан, турли ёт ғоя ва мафкуралар таҳдидига қарши кучли мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, миллий менталитетимизнинг ҳаётбахш имкониятини ифода этиш ёшларнинг комил ва етук малакали мутахассис бўлиб етишишлари туфайли тўла рўёбга чиқади.

Баркамол авлод ва юксак малакали кадрларни шакллантириш – анчайин масъулиятли жараён. Биринчи Президентимиз И.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бугунги ёшларга таълим беришда ўқитувчи ва мураббийлардан катта масъулият талаб қилинишини яна бир бор таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан, ҳозирги янги замонавий таълим даргоҳларида меҳнат қилаётган устоз ва мураббийлар умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари ва олий таълимнинг ўқув жараёнларида бир қатор йўналишларда тизимли ишларни олиб бориши муҳим. Шундан келиб чиқиб айтсак, ўқув-тарбия жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган фаол шахс ва малакали кадрларни шакллантириш таълим муассасаларида ўзига хос педагогик-психологик омиллардан келиб чиқиб иш тутишни тақозо этади. Таълим-тарбияда педагогик-психологик ёндашувни узвийликда олиб бориш ва амалиётга боғлаш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, баркамол авлод тарбиясида маънавият ва маърифат бирлигининг ўрни катта. Изчил маърифий жараён ёшларнинг юксак маънавиятли бўлишида аҳамияти беқиёс. Маънавиятлилик — баркамолликнинг асоси. Зотан, руҳан пок, қалбан улғайган, ички дунёси ва иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун, виждони уйғоқ бўлган инсон ҳар жиҳатдан ҳаётий позицияга теран тушуниш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, таълим мазмуни ва сифатини ошириш, юксак самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий этишга боғлиқ. Айтиш мумкинки, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига янги инновацион педагогик технологияларни қўллаш кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ва бозор муносабатлари ҳар бир инсоннинг муайян тафаккурга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини заруратга айлантиради. Бу борада ёшларда иқтисодий билим ва тафаккурни ривожлантириш – таълим тизимидаги муҳим вазифалардан саналади.

Бешинчидан, баркамол авлод ва чуқур билимли мутахассис кадрларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Комиллик — ҳам маънан, ҳам жисмонан етуклик ифодаси. Аждодларимиз комил инсонни ана шундай жиҳатлар асосида тушунишган. Мустақилликка эришилгач, бу анъанага давлат сиёсати даражасида катта эътибор берилмоқда. Қувончлиси шуки, жисмоний тайёргарликка эга бўлган ёшларимиз спортнинг турли йўналишларида юксак натижаларга эришиб, мамлакатимизни жаҳонга танитмоқда.

Олтинчидан, замонавий раҳбар кадрларни тайёрлашда улардаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириб бориш — яна бир муҳим устувор вазифа. Бу билан мамлакатимиздаги сиёсий ислоҳотларнинг изчил кечиши таъминланади, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш осон кечади.

Умуман олганда, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон этиб вояга етказиш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш — таълим-тарбия жараёнининг асосий мақсади. Бунда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги кўзланган мақсадга эришишнинг гарови дейиш мумкин. Ўтган йилларнинг сарҳисоби бу борада тегишли натижаларга эришилаётганидан далолатдир. Янги асрда ҳар соҳада ютуқлар билан одимлаб бораётган Ўзбекистонимизда ёшларнинг тараққиётимизга қўшаётган ҳиссаси катталашаётгани барчамизда катта умид ва ишонч уйғотади.